

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11397781>

Тахиров Фарход

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори,
ю.ф.д.*

Аннотация: *Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча соҳаларда устувор аҳамият касб этишини қатъий қоидага айлантириш, бир сўз билан айтганда, “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда бугунги ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашув Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича муҳим институтлардан бири “Хабеас корпус акт” халқаро даражада умумэтироф этилган ҳужжат сифатида шахс эркинлигини таъминлаш йўлида ўзига хос янги даврга асос солган. Мақола ҳам айнан ушбу ҳуқуқий институтнинг аҳамияти, тарихи ва ўзига хос жиҳатларига бағишланган.*

Калит сўзлар: *инсон, ҳуқуқ ва эркинликлар, Конституция, “Хабеас корпус акт”, жиноят-процессуал ҳуқуқи, суд, қамоқ, ушлаб туриш.*

КОНСТИТУЦИОННАЯ ГАРАНТИЯ ИНСТИТУТА “ХАБЕАС КОРПУС”

Тахиров Фарход

*Профессор Университета общественной безопасности Республики
Узбекистан, доктор юридических наук*

Аннотация: *важно взять за строгое правило, что реформы, проводимые в нашей стране, отныне будут приоритетными во всех сферах человеческой чести, достоинства, прав и свобод, одним словом, прививать идею " во имя чести и достоинства человека" и подход "Человек – общество – государство", что является главным принципом сегодняшних реформ. В частности, один из важных институтов судебной защиты прав человека, "Хабеас корпус акт", заложил основу для уникальной новой эры на пути обеспечения свободы личности в качестве общепризнанного документа на международном уровне. Статья также посвящена именно значению, истории и специфическим аспектам этого института.*

Ключевые слова: *человек, права и свободы, Конституция, "Хабеас корпус Акт", уголовно-процессуальное право, суд, арест, задержание.*

CONSTITUTIONAL GUARANTEE OF THE HABEAS CORPUS INSTITUTE**Tahirov Farhad***Professor of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law*

Abstract: *it is important to make it a strict rule that the reforms carried out in our country will henceforth be a priority in all spheres of human honor, dignity, rights and freedoms, in a word, to instill the idea of "in the name of human honor and dignity" and the "Man – society – state" approach, which is the main principle of today's reforms. In particular, one of the important institutions of judicial protection of human rights, the Habeas Corpus Act, laid the foundation for a unique new era in ensuring individual freedom as a universally recognized document at the international level. The article is also devoted specifically to the significance, history and specific aspects of this institution.*

Keywords: *human, rights and freedoms, Constitution, "Habeas Corpus Act", criminal procedure law, court, arrest, detention.*

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституция асоси битта эзгу ғоя атрофида тубдан қайта яратилганини кўриш мумкин. У ҳам бўлса “Давлат – жамият – инсон” деган принципнинг “Инсон – жамият – давлат” тамойилига айланиб, “Инсон қадри учун!” деган ғоя устуворликка эга эканлиги ўз ифодасини топмоқда.

Фуқароларимиз бирон бир суриштирув, тергов органларига олиб келинганда, унинг ҳуқуқи, шунингдек, ушлаб турилиши асослари, нега давлат органига келтирилгани ҳақидаги ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт. Бу эса “Хабеас корпус” институти тушунчасини акс эттиради. “Хабеас корпус” (лот. habeas corpus) – “танани судга келтириш”, яъни жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг тарихан энг қадимий эътирофларидан бири ҳисобланади[1].

Мамлакатимизда “Хабеас корпус” институти 2008 йилдан татбиқ этилган бўлиб, унинг қўллаш доираси йиллар давомида изчил кенгайиб бормоқда, тергов жараёни устидан суд назорати қатъий равишда кучайтирилмоқда.

Англияда пайдо бўлган ушбу институт айбдор шахс ушланганидан то судга қадар унга нисбатан кўрилатган ҳуқуқий чора жараёнини ўрганадиган муассаса ҳисобланади. Англия парламенти мазкур ҳолат бўйича дунёда биринчи марта фуқароларни бесабаб ушлаб турмаслик бўйича қарор қабул қилган. Ўша даврдан буён халқаро ҳуқуқ қоидаларида фуқарони суд жараёнига қадар бўлган ушлаб турилиши ҳолатлари, айнан, “Хабеас корпус” институти, деб юритилади.

Хабеас корпус бу — инглиз жиноят-процессуал ҳуқуқи институти бўлиб, шахс дахлсизлиги тамойили билан чамбарчас боғлиқ саналади, у англо-саксон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига ҳам киритилган. “Хабеас

корпус”ни оддий тушунтирадиган бўлсак, унга кўра, қамоққа олинган шахс ёки унинг номидан бошқа бир фуқаро нима сабабдан ҳибсга олинаётгани ёки қамоққа олиш тўғрисидаги ҳужжат бўйича судга мурожаат қилиши ва ҳибсга олиш ёки ушлаб туришнинг қонунийлигини текшириш учун махсус суд қарорини талаб қилиши мумкин[2]. Яъни гумонланувчи маълум сабаб билан ҳибсга олинганидан сўнг уни ушлаб туришлари қонунийлигини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Суднинг қарори бўлмаган тақдирда шахсни 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмайди.

Хабеас корпус номи (хабере - "эга бўлмоқ" ва корпус - "тана" сўзларидан) лотинча *habeas corpus ad subjiciendum* иборасининг бир қисми бўлиб, "қўлга олинган шахс ҳақида судга тақдим этиш" маъносини билдиради. Фуқаролик ҳуқуқи юрисдикцияларининг аксарияти ноқонуний ҳибсга олинганлар учун шунга ўхшаш ҳимоя воситаларидан фойдаланади, бироқ улар ҳар доим ҳам хабеас корпус деб аталавермайди. Баъзи испан тилида сўзлашувчи мамлакатларда ноҳақ қамоққа олиш учун ампаро либертад ("эркинликни ҳимоя қилиш") муқобил нормаси қўлланилади.

Бундан ташқари, шахс дахлсизлиги тамойили билан боғлиқ халқаро стандартлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8 ва 10- моддалари, БМТ Бош Ассамблеясининг 1988 йил 9 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш принципларининг 9-принципи, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 3, 9, 14-моддалари, Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари (БМТнинг 12 Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги еттинчи конгресда қабул қилинган), Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид раҳбарий принциплар (БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги саккизинчи конгресда қабул қилинган), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари ("Токио қоидалари")нинг 3-моддаси, Халқаро жиноят судининг Рим статутини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг муайян ишлар бўйича тавсиялари, Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида биринчи халқаро конференцияда қабул қилинган "Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида"ги декларацияда (Монреаль декларацияси 1983 йил) ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, халқаро стандартлар: – ҳар бир шахс ўз ишининг судда одилона кўриб чиқиши ҳуқуқи, ушлаб туришнинг қонунийлигини суд томонидан текшириш ва агар ноқонуний ушланган бўлса озод қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш; – ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш судларнинг ҳам ҳуқуқи ҳам мажбурияти эканлиги, бунда суд далилларни ўрганиш ҳуқуқига эгаллиги; – ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш заруриятини исботлаш мажбурияти айблов томонга юклатилиши; – жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқларини чеклашга рухсат бериш масаласини доимий равишда ҳал этишга ваколатли бўлган судлар ташкил қилиш; – ишни мазмунан кўрувчи ва ишни судга қадар юритиш босқичидаги

масалаларни ҳал қилувчи судларни ажратиш; – инсоннинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи тергов ҳаракатларига суд назоратини жорий қилиш; – тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш; 18 – судьяларнинг ҳар қандай муқобил эҳтиёт чораси қўллаш ҳуқуқи ва муқобил эҳтиёт чораси қўлланмаганда буни асослантириш мажбуриятини белгилаш; – қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг аниқ асосларини белгилаш ва фақатгина жиноятнинг оғирлиги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлмаслигини амалда қўллаш; – қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан суд муҳокамасининг очиқ бўлиши ва ҳимоячи билан таъминлаш шартлиги; – судгача қамоққа олиш ноаниқ ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган асосларга кўра амалга оширилмаслигини таъминлаш; – ишни судга қадар юритиш жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмаслигини белгилайди.

Англияда Хабеас корпуси институтидан 15 асрдан бери доимий равишда фойдаланиб келинади. Дастлаб у шахслар, асосан феодаллар ва уларга бўйсунувчилар томонидан бузилган эркинликни тиклаш воситаси сифатида ишлатилган, аммо Генриха VII давридан бошлаб у Қирол томонидан шахсни кузатиб боришда қўлланилган. Бироқ, 1679 йилги қонунга қадар (Хабеас корпус қонуни), хабеас корпусни бериш ўзлари мустақил бўлмаган судьяларнинг ихтиёрига қўйилган[3]. Бундай фармонни чиқариш масаласи кўпинча кечиктирилган. Бундан ташқари, судьянинг буйруғини бажармаслик ҳеч қандай жавобгарликка сабаб бўлмаган. Бу каби ҳуқуқий кафолатларнинг етишмаслиги Тюдорлар ва Стюартларнинг мутлақ ҳукмронлиги даврида айниқса очиқчасига намоён бўлди. Айнан шу тамойилга риоя қилмаслик 1627 йилда машҳур сиёсатчи Ж.Хемпденнинг ҳибсга олиниши ва 1628 йил 29 мартда Жамоат палатаси резолюциясининг қабул қилинишида ғазабларга сабаб бўлган, унда шундай дейилган:

Ҳеч бир озод одам қамоққа олинмайди ёки ҳибсда ушлаб турилмайди. Қирол ёки Махфийлик кенгашининг буйруғи билан ҳеч кимнинг озодлиги ҳеч қанақасига чекланиши мумкин эмас... ҳибсга олиш ёки озодликни чеклаш учун қонуний сабаблар кўрсатилмаса.

Хабеас корпус буйруғини ҳеч ким инкор эта олмайди; у қамоққа олиниши, ҳибсда ушлаб турилиши керак бўлган ҳар бир шахснинг илтимосига биноан ... қиролнинг, хусусий кенгашнинг ёки бошқа бировнинг буйруғи билан берилиши керак.

Агар озод шахс қамоққа олинганида ёки ҳибсда ушлаб турилганида, қонуний сабаб кўрсатилмаган бўлса ва бу шу шахсга берилган хабеас корпус асосида аниқланган бўлса, у бутунлай озод қилиниши ёки гаров эвазига қўйиб юборилиши керак.

Ушбу резолюциялар 1628 йилдаги ҳуқуқ тўғрисидаги петицияга киритилган ва кейинчалик инглиз инқилоби ҳужжатларида кўп марта такрорланган.

1668 йилда хабеас корпус акт лойиҳаси сифатида Жамоат палатасига киритилган, аммо қонун сифатида тан олинмаган. 1670 ва 1675 йилларда яна иккита шунга ўхшаш қонун лойиҳаси Лордлар палатаси томонидан рад этилган. Ниҳоят, 1679 йилда шахс манфаатларини қироллик ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилувчи Хабеас корпус акти расман қабул қилинган.

Британиялик ҳуқуқшунос Алберт Ванн Дисси (1835-1922) 1679 йилда қабул қилинган Хабеас Корпус актини "ҳеч қандай принципларни англамайди ва ҳуқуқларни белгиламайди, аммо амалий нуқтаи назардан улар шахснинг ҳуқуқ эркинлигини кафолатлайдиган юзлаб конституциявий моддаларнинг ўрнини боса олади"[4], деб ёзган эди.

1679 йилги қонун кучга кирганида уни мустамлака мамлакатларга тааллуқли эмас деб ҳисоблашган, шунинг учун 1700 йилгача Британия ҳукумати мустамлака бўлган, жумладан АҚШнинг ҳам актни кучга киритишга бўлган бир неча уринишларини рад этди. 1710 йилдан кейин эса сиёсат ўзгарган ва Виржиния (Александр Спотсвуд), Шимолий Каролина ва Жанубий Каролина губернаторлари ушбу ҳуқуқни мустамлакаларга тарқатиш тўғрисида баёнотлар чиқаришган. Бироқ, АҚШ Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган даврда бу ҳуқуқ фақат Жанубий Каролинада амал қилган. Негадир колониялар бу ҳуқуққа унчалик аҳамият бермаган. У фақат 1809 йилда Мерилендда, 1815 йилда Нью-Ҳемпширда, 1822 йилда Род-Айлендда, 1821 йилда Коннектикутда, 1836 йилда Шимолий Каролинада расмий кучга кирган[5].

АҚШда хабеас корпус Конституцияга киритилган; унга кўра, бу ҳуқуқнинг тўхтатилиши босқин ёки исён (фавқулодда ҳолат) содир бўлган тақдирдагина мумкин.

Бундан ташқари, ФРГ Конституциясининг "Одил судлов" номли IX бобида Хабеас корпус институтининг қуйидагича татбиқ этилишини кузатиш мумкин, "Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ҳар қандай шахс 24 соат ичида судьянинг ҳузурига келтирилиши ва судья шахсга ушлаб туриш сабабларини тушунтириши, уни сўроқ қилиши ва эътироз қилиш имконини бериши шарт. Судья дарҳол қамоққа олиш тўғрисидаги асослангилган буйруқ чиқариши ёки шахсни озод қилиши зарур". Хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунлари ва суд тергов амалиётини ўрганиш шуни тасдиқламоқдаки, Хабеас корпус институти жиноят процессида суд назоратининг бошқа фаолият йўналишлари қатори мустақил, алоҳида шакл сифатида эътироф этилган.

Бинобарин, Хабеас корпус институти такомиллаштириш юзасидан Жиноят процессуал қонунчилигига тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хулоса қилиб айтиш жоизки, Биринчидан, Англия жиноят процессуал қонунчилигида суд назорати амал қилиб, унинг ёрқин шакли бу Хабеас корпус институтидир. Иккинчидан, жиноят процессида хабеас корпус акти узоқ тарихий даврлардан бери инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазасини ҳуқуқий кафолати тарзида амалда бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмайди[6]. Учинчидан, англо-

саксон ҳуқуқ тизимининг классик шакли намоёндаси бўлмиш Англия жиноят процессидаги суд назорати институти тажрибасини ўрганиш: а) дастлабки терговда суд назоратини махсус ваколатга эга бўлган иштирокчи (тергов судьяси) томонидан олиб боришнинг шартлилиги; б) дастлабки терговда прокурор назорати билан суд назорати бир-бирига халал бермаган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси 27-моддасида ушбу ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шунингдек, мазкур атама бошқа айрим ёндош моддаларда ҳам ўз ифодасини топган.

Хулоса қиладиган бўлсак, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги асосий қонунда ўз ифодасини топмоқда. Бунда эса мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолатлар ўз ифодасини топаётганлиги, Ўзбекистон “ҳуқуқий давлат” деган конституциявий тамойилида ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A5%D0%B0%D0%B1%D0%B5%D0%B0%D1%81_%D0%BA%D0%BE%D1%80%D0%BF%D1%83%D1%81
2. Солодилов А. В. Судебный контроль в системе уголовного процесса в России. - Томск.: 2000. -Б. 140-141
3. Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. -М.: 1969. -Б. 284-287.
4. Полянский Н. Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. -М.: 1969. -314 б.; Гущенко К.Ф., Головки Л.А., Филимонов Б.А. Уголовный процесс зарубежных стран. - М.: Изд. Зерцало. 2002. -356 б.; Романов А.К. Правовая система Англии. -М.: 2002. -Б. 239-241. 11.
5. Филимонов Б.А. Уголовный процесс зарубежных стран. -М.: Изд. Зерцало. 2002. -356 б.
6. Г.Тўлаганова. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 4 № 4 (2023) / ISSN 2181-1415 29.